

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

## БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ  
ҲАФТАЛИК, ТАҲЛИЛИЙ НАШРИ

ISSN 2010-6602

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

2021 ЙИЛ 14 ЯНВАРЬ № 01 (1284)

Ватанимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг олий мақсади аҳоли фаровонлигини янада ошириш, ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этишини, ҳалқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топишини таъминлашдан иборат.



### РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида шу олий мақсадга эришиш учун барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш борасидаги стратегия мақсад ва вазифалар, устувор йўналишлар белгилаб берилди.

(Давоми 3-саҳифада)

### Олтиариқда банк бош ҳисобчиси кредит пулларини талон-торож қилиб юборди



Фарғонада АТ "Аска банк" Олтиариқ филиали бош ҳисобчиси вазифасида ишлаган Отабек Тожиев имтиёзли кредит учун ажратилган 290 миллион сўм пулларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилди.

Ёш ходимга катта ишонч билдирилган эди. Ҳалол меҳнати билан ўзини кўрсатиш ўрнига у текин даромад олиш йўлларини излай бошлади. 2007 йил ноябрь ойидан 2019 йил июнь ойига қадар бош ҳисобчи вазифаси ишлаб, қингир

ишларга қўл урди. У банк миқозини ҳисобланган ҳўжалик субъектларига ажратилган кредит маблағларини назорат қилиш ва йўналтириш ваколатига эга бўлиб, мансаб ваколатини суистеъмол қилган.

(Давоми 6-саҳифада)

### "Йил танлови-2020": Энг илғор ва шаффоф банклар эътироф этилди

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА 2020 йилнинг энг фаол вазирлик, ташкилот, ҳокимлик ва банкларни аниқлади.

Танловда юртимизнинг молия муасаслари учун ҳам алоҳида йўналишлар ва ўрин ажратилган. Зеро, ҳудудлар ривожини албатта банкларсиз тасаввур этиб бўлмайди. ЎзА материаллар таҳлили асосида йилнинг энг яхши банкларини ҳам аниқлади.

Унга кўра, "2020 йилда ОАВ билан энг фаол ишлаган банк тизими" номинациясига "Агробанк" акциядорлик тижорат банки лойиқ кўрилди.



"2020 йилнинг халққа энг яқин бўлган шаффоф банки" эса "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки, дея эътироф этилди.



Қайд этиш кераки, юртимизда хусусий банклар тармоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Улар миқозларга хизмат кўрсатишда ўзига хос ёндашув ва инновациялар таклиф этмоқда.

Аҳолига кўрсатаётган сифатли ва тезкор хизматлари тўғрисида танловда биринчи марта хусусий банк жамоаси ҳам ғолиблар сафидан ўрин олди.

"2020 йилда миқозларга энг сифатли хизмат кўрсатган хусусий банк" номинацияси ғолиби – "Трастбанк" хусусий тижорат банки бўлди.



"2020 йилда халқ ишончини қозонган банк тизими" номинациясида "Ўзсаноатқурилиш банк" ғолиб бўлди.



"2020 йилда давлат дастурларида энг фаол иштирок этган банк" номинацияси ғолиби – "Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик-тижорат банки бўлди.

### ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНГАНМИ?



6 >

### ҚОЗОҒИСТОНДА НАҚД ПУЛЛАРНИ ЕЧИБ ОЛИШ ЛИМИТИ УЗАЙТИРИЛДИ



9 >

### НА ЧТО ПОЙДУТ ЗАЙМЫ ВСЕМИРНОГО БАНКА



13 >



## БАНК РАҲБАРИ ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

Янги йил арафасида АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” Бошқаруви раиси Алишер Муратов банк тизимида фаолият юритиб келаётган бир гуруҳ ёшлар билан мулоқот қилди.



Тадбирда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ёшлари форумидаги маърузаси ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномаси давомида белгиланган вазифалар, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан билдирилган таклифлар ва уларнинг банк тизимидаги иқроси ҳақида фикр алмашилди.

Банк раҳбари “Қишлоқ қурилиш банк” тузилмаларида ёшлар билан ишлашнинг бугунги ҳолати, айти йўналишда олдинга қўйилган мақсадларга эришиш масаласи ҳамда мавжуд нуқсонларга эътибор қаратди. Ҳар бир ёш мутахассиснинг фикр ва мулоҳазалари инobatта олиниши бу йўналишдаги фаолиятнинг асосига айланиши билдирилди.

Бугунги кунда ёшларнинг тил ўрганишлари ва спорт-соғломлаштириш муассасаларида ўз саломатлигини мустаҳкамлаши учун моддий ва маънавий кўмак кўрсатиб келинмоқда. Банкнинг марказий идораси ва 42 та филиалда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Етакчилар кенгаши фаолият юритмоқда. Банк тизимида фаолият кўрсатётган ходимларнинг 29 фоизи ёшлар

ташкил қилади. Банкда ходимларнинг 50 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этаётган филиаллар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди ва эндиликда ҳам ёшларга бўлган ишончни тизимли равишда ошириб бориш лозимлиги таъкидланди.

Учрашув очик мулоқот руҳида ўтди ва банк раҳбари ёш ходимларнинг муаммолари, таклиф-мулоҳазалари билан қизиқди. Ёшлар томонидан банк фаолиятини ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш, ёш ходимларнинг билим ва малакаларини тизимли ошириб бориш ва уларни ижтимоий рағбатлантиришга доир қатор таклифлар ўртага ташланди.

Мулоқот давомида ёшлар томонидан билдирилган таклифларни банк фаолиятига татбиқ қилиш юзасидан тегишли тузилмалар раҳбарларига топшириқлар берилди ва бундай учрашувларни ҳар ойда камида бир марта ўтказиб боришга келишилди.

Тадбир якунида энг фаол ёш ходимлар Янги йил байрами муносабати билан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Халқ банки Когон филиалининг 60 кишилик жамоаси янги йилнинг илк иш кунини янги бинода бошлади. Бу замонавий қулайликдан, ўз навбатида, молия муассасаси мижозлари ҳам мамнун.



## ХАЛҚ БАНКИНИНГ КОГОН ФИЛИАЛИ ЯНГИ БИНОДА

Дарҳақиқат, хизмат сифатини ошириш учун, биринчи навбатда, замонавий шарт-шароит зарур. Қолаверса, аҳоли банк билан боғлиқ юмушларини кўз қувнайдиган шинам манзилларда битиришни истайди.

Когон филиалининг янги биноси ходимларнинг ҳам, мижозларнинг ҳам талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу ерда юридик шахслар ҳисоб рақам очиб, касса амалиётлари, нақд пул олиш, корпоратив карталар очиб, банк-мижоз, интернет банкнинг каби хизматлардан фойдаланишса, жисмоний шахсларга кредит ажратиш, пул ўтказмалари, коммунал ва бошқа бир маротабалик тўловларни қабул қилиш, банк пластик карталарини очиб ва тўлдириш сингари хизматлар кўрсатилади.

Филиал биносининг очилиш маросимида маҳаллий ҳокимлик мутасаддилари, банк раҳбарияти ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

## БАНК ПУЛИНГИЗНИ УЙИНГИЗГА ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

Бугун банклар ўртасида кечаётган рақобат муҳити мижозлар учун манфаатли кечиб, уларга яратилаётган қулайлик ва имтиёзлар салмоғи кун сайин ошиб бормоқда.



Халқ банки томонидан тақдим этилаётган янги турдаги хизмат ва маҳсулотлар ҳам ана шу жиҳатдан фойдалидир. Мана, энди мавжуд қулайликлар қаторига нақд пул етказиб бериш хизмати ҳам қўшилди.

**Энди сиз Халқ банки расмий веб-сайти — [xb.uz](http://xb.uz) га кириб, шахсий кабинет орқали нақд пул етказиб бериш бўйича буюртма беришингиз мумкин.**

Ҳаммаси оддий, банк сайтида сўралган барча маълумотларни тўлдирасиз ва “буюртма бериш” тугмасини босасиз. Шундан сўнг филиал

ходими сиз билан боғланиб, буюртма суммаси, манзили, етказиб бериш вақти ва оралиқ масофа юзасидан аниқлик киритиб олади.

Банк филиали ўз тумани ҳудуди бўйича келиб тушган буюртмаларни банк иш кунини давомида, график асосида, бир кунда икки марта сайёр касса автомашиналари орқали етказиб беради.

Буюртмалар 24/7 режимида қабул қилинади. Соат 9:00 дан 15:00 гача юборилган буюртмалар шу куннинг ўзида, 3 соатда етказилади. 15:00 дан кейин юборилган буюртмалар, кейинги банк иш кунини, соат 12:00 гача етказилади. Буюртманинг энг кам миқдори бир миллион (1 000 000) сўм.

## “МИКРОКРЕДИТБАНК”ДАН ЯНГИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ

Бугунги кунда “Микрокредитбанк” мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда қулайлигини оширишга, шунингдек, ёшларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. “Микрокредитбанк” АТБ Навоий вилояти минтақавий филиали Амалиёт бўлими қошида ташкил этилган замонавий “Янгирабод” банк хизматлари маркази бу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг яна бир амалий ифодасидир.

Хатирчи туманининг марказида ташкил этилган “Янгирабод” банк хизматлари маркази тўла қувватларда фаолият олиб бориб, юридик ва жисмоний шахсларга барча қулайликлар яратилган ҳолда кенг қўламли банк ҳамда консалтинг хизматла-

рини кўрсатади.

Хусусан, марказда жисмоний ва юридик шахслар учун қулай шартларда микроқарз, овердрафт, истеъмо, автокредит, имтиёзли ва бошқа кредитларни расмийлаштириш имконияти яратилган. Пластик карталари қисқа

муддатда расмийлаштириб берилади. Бу эса мижозларнинг банкларга нисбатан ишончини ошириб, қимматли вақтини тежайди.


Бундан ташқари, мижозларга мутахассислар маслаҳатини олиш, рақам очиб ва кредитлар олиш учун ариза бериш, қўллаб турдаги муддатли ва жамғарма омонатларига маблағлар қўйиб, барча турдаги тўловлар, валюта айирбошлаш ва халқаро пул ўтказмаларини ҳамда касса хизматларини амалга ошириш имконияти яратилган.

Мазкур банк хизматлари маркази биноси халқаро стандартлар асосида таъмирланиб, илғор коммуникация воситалари ҳамда замонавий мебеллар билан жиҳозланди.

“Микрокредитбанк” тизимида ишлаб чиқилган “Мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари” асосида банк хизматлари маркази ходимлари малакаси оширилди.



# РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШ ЯНАДА ФАОЛЛАШАДИ



**Шерзод СУВАНКУЛОВ**  
Марказий банкнинг Самарқанд вилояти  
Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўткан йилнинг 29 декабрь куни бўлиб ўтган ҳамда 2021 йилга мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб ном берилган Президент Мурожаатномасида жумладан, банк тизими олдига ҳам бир қатор муҳим вазифалар кўйилди. Келинг, шу ҳақда бироз фикр юритсак.

**“Банкларни трансформация қилиш ишлари, уларнинг фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишни янада фаоллаштириш ишлари янада жадаллаштирилади”.**

Глобал пандемия «мобил банкинг» ва «рақамли банкинг» тамойилларига асосланган бизнес-моделларини жорий этишнинг аҳамияти ҳам макроиқтисодий, ҳам банклар, ҳам банк хизматлари истеъмолчилари учун нечоғлик юқори эканлигини яққол кўрсатиб берди.

2020 йил банклар томонидан кўрсатилган “рақамли банкинг” хизматлар ҳажми ошди. Хусусан, Самарқанд вилоятида ажратилган “онлайн” кредитлар ҳажми 20 млрд. сўмдан ортқичи, мобил иловалар орқали жойлаштирилган депозитлар ҳажми 70 млрд. сўмни, мобил иловалар орқали кўрсатилган халқаро пул ўтказмалари ҳажми 500 минг АҚШ долларидан ошди, автоматлашган валюта айирбошлаш шохобчалари орқали 3,3 млн. АҚШ доллари сотилиб, 400 минг АҚШ долларидан кўпроқ маблағ харид қилинди. Аммо бу рақамлар умумий портфел ва хизматлар ҳажмида жуда ҳам кичик улушни ташкил этади.

Шундан келиб чиқиб, 2021 йилда вилоятда банк хизматларини кўрсатишда ахборот технологиялари, рақамли банкинг технологияларини кенг жорий этиш орқали масофавий хизматлар қўламини оширишни энг устивор вазифалардан бири деб, белгилаб олинди.

**“Саноятқурилишбанк”, “Асака банк”, “Ипотека банк”, “Алоқа банк”, “Турон банк” ҳамда “Қишлоқ қурилиш банк” хусусийлаштиришга тайёрланади, камида битта йирик банкдаги давлат улуши стратегик инвесторларга тўлиқ сотилиши тахминланади”.**

Вилоятимизда ҳам юқорида қайд этиб ўтилган 6 та банкнинг 9 та филиали мавжуд.

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ иқтисодиётни, шу жумладан банк тизимини ривожлантириш ва либераллаштиришнинг борасида бир қатор ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Натижада чет эл банкларнинг Ўзбекистон бозорига киришга хоҳиши ортмоқда, хусусан йирик молиявий гуруҳлардан бўлган бўлган Қозоғистоннинг Halyk Банкнинг Tenge Bank шўъба банки 2019 йилда, Грузиянинг TBC Bankи эса 2020 йилда юртимизда ўз фаолиятини бошлади. 2020 йил декабрь ойида Tenge Банкнинг банк хизматлари маркази Самарқандда ҳам иш бошлади.

Банк соҳасидаги ҳозирги ҳолат таҳлили давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслигини, улар иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлана олмаётганлигини кўрсатмоқда.

Уларни хусусийлаштириш, давлат улушини стратегик инвесторларга сотилиши уларнинг иқтисодиётда молиявий воситачиликнинг юқори даражасига чиқишига, уларда бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларининг жорий этилишига замин яратди, рақобатбардошлигини ва молиявий барқарорлигини таъминлайди.

**“Марказий банк томонидан 1 февралга қадар банк бўлмаган кредит ташкилотлари тўғрисида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.”**

Банк бўлмаган кредит ташкилотлари жумласига микромолия ҳамда микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, ипотекани қайта молиялаштириш, шунингдек, факторинг ташкилотлари қиради.

Бугунги кунда республикаимизда 63 та микрокредит ташкилотлари, 64 ломбардлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 50 фоизи пойтахтда жойлашган. Вилоятимизда эса 1 та микрокредит ташкилоти, 2 та ломбард иш олиб бормоқда. Бу эса молиявий хизматлар истеъмолчиларида танлов имконияти даражаси пастлигини, яъни бу бозорда асосий иштирокчилар тижорат банклари эканлигини билдиради.

Вилоятдаги мазкур 3 та нобанк кредит ташкилотларининг портфели қолдиги 1 269 нафар қарздор бўйича 4,2 млрд. сўм эканлигини, тижорат банкларининг жисмоний шахслар бўйича портфели қолдиги 219 минг нафардан ортиқроқ қарздорлар бўйича 4,5 трлн. сўмдан ортиқроқ эканлигини қиёслаш учун маълумот бўла олади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эса ҳуқуқий шарт-шароитларни мустаҳкамлаш билан биргаликда, молия бозориди рақобатнинг, молиявий хизматлар оммабоплиги ва сифатининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

**“Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия ташкилотлари экспертлари жалб этган ҳолда ислом молиявий хизматларини жорий этиш бўйича ҳуқуқий базани яратиш бўйича амалий ишлар амалга оширилади.”**

Ислом молиявий хизматлари жаҳон молия бозориди юқори суръатларда ўсиб бораётган сектор бўлиб, 2019 йил якунлари бўйича ўсиш суръати 7 фоизни ташкил этган ҳамда дунё бўйича ислом молияси активлари 2,5 триллион АҚШ долларидан ортган.

Юртимизда ислом молиявий хизматларига бўлган талаб ҳам юқорилиги, ҳуқуқий базани яратилиши кўпга халқаро молия институтларининг молия бозорига фаол кириб келишига ижобий туртки бўлади. Бу ҳам молиявий хизматлар бозориди тақлифлар ҳажми ва хилма-хиллиги ҳамда кўрсатиладиган хизматлар сифати ошишига шароит яратди.

**“Янги йилда иқтисодий ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлиши, шу билан бирга камбағаллик масаласи кредит ажратиш ёки ижтимоий нафақа бериш билан ўз-ўзидан ҳал бўлиб қолмаслиги борасидаги ҳақиқатга ҳам эътибор қаратиб ўтилди.”**

Ижтимоий дастурлар доирасида ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишида, иш билан бандлик даражасининг ошишида, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишида хизмат қилмоқда. Шу билан бирга тажриба кредитлар ташаббускорга касб-ҳунар ва тадбиркорлик бўйича зарурий кўникмаларга эга бўлган ҳолатда ажратилиши самарадорлигининг янада ошишини кўрсатди.

Шундан келиб чиқиб, бундан буён аҳолини меҳнат бозориди талабга мос равишда касб-ҳунарга тайёрлаш, тадбиркорликка ўқитишга эътибор қаратилади. Камбағалликдан чиқиб кетиш учун энг муҳим омил — бу инсоннинг интилиши, ўз кучига таянган ҳолда, аниқ мақсад сари ҳаракати бўлиши кераклигидан келиб чиқиб жорий йилда маҳаллаларда аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этилади.

Касб-ҳунарга ўқитилган ҳар бир шахс учун ўқув марказларига 1 миллион сўмга субсидия берилиб, бунинг учун бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Ўқув курсларини тамомлаб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган фуқароларга асбоб-ускуна харид қилиш учун 7 миллион сўмга субсидиялар берилади.

Имтиёзли кредитларни тадбиркорлик ташаббускорларига дастлаб уларни касб-ҳунарга тайёрлаб ва тадбиркорликка ўқитиб бўлган ажратилиши йўлга қўйилади.

Бунда ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг бизнес соҳасидаги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш энг устувор йўналишлар ҳисобланади. Ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратилади, ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ҳамда уларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

“Микрокредитбанк” томонидан аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқилиб, унда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, микрокредит олган тадбиркорларга маслаҳат ва кўмак бериш, банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун харидорлар топиш ва бозорларни кенгайтиришда кўмаклашиш кабиларга эътибор қаратилади.

Халқ банки томонидан жойларда хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий этилади.

Вилоятда “Микрокредитбанк”нинг 7 та филиали, 8 та банк хизматлари марказлари ва минбанклари, Халқ банкнинг 20 та филиали ва 10 та банк хизматлари марказлари ва минбанклари ишлаб келмоқда. 2021 йил давомида ҳудудларда ушбу банкларнинг рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этилади.

**“Иқтисодиётнинг хорижий валютага боғлиқлик даражасини босқичма-босқич камайтириш, валюта кредитлари улушини ҳозирги 50 фоиздан 45 фоизга пасайтириш борасида ишлар олиб борилади.”**

2021 йил 1 январь ҳолатидаги Самарқанд вилояти банк тизими бизнес субъектларига ажратилган кредитлар портфели қолдигининг 56 фоизи хорижий валютада ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Тижорат банкларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қиргин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига тузатишлар киритилди (25.12.2020 йилдаги рўйхат рақами 2886-6-сон ҳужжатга қаранг).



## БАНКЛАРДАГИ ИЧКИ НАЗОРATГА ҚАНДАЙ ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛДИ?

Хусусан, ҳужжатнинг амал қилиш доираси кенгайтирилди. Энди унинг талаблари:

а) банкнинг тўлов агентлари ва субагентлари томонидан бажарилиши шарт. Бунда:

ушбу мажбуриятга риоя этилишини таъминлаш – банкнинг вазифаси ва масъулияти. Шу муносабат билан банклар, улар ва уларнинг агентлари ва субагентлари фаолият кўрсатадиган мамлакатларнинг ваколатли органлари фойдаланиши мумкин бўлган тўлов агентлари ва тўлов субагентларининг янгиланган реестрини юритиши керак;

тўлов агентлари ва тўлов субагентлари қонунчиликка риоя этган ҳолда, агар агентлик ёки субагентлик шартномасида назарда тутилган бўлса, мижозни лозим даражада текшириш учун унинг шахсини текшириши ва идентификациялаши мумкин;

б) юридик шахслар қаторида юридик шахсни ташкил этмаган чет эл тузилмаси ҳам қўлланилади. Булар чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, куйидагиларнинг манфаатларини қўлаб даромад (фойда) олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ташкилий тузилмадир:

ўз иштирокчиларининг – пайчиларнинг, ишонч билдирувчиларнинг ёки бошқа шахсларнинг;

бошқа бенефициарларнинг – фондлар, шерикликлар, ширкатлар, трастлар, жамоавий инвестициялар ёки ишончли бошқарувнинг бошқа шаклларининг.

Банкнинг Ички назорат хизмати унинг бўлинмалари раҳбарларидан мустақил ҳисобланади. Функцияларини бажаришга тўқинлик қилувчи ҳар қандай таъсирлардан қочилади. Ушбу мустақиллик куйидаги жиҳатлар билан таъминланади:

биринчидан, Ички назорат хизмати раҳбари ва ходимларини тайинлаш, лавозимидан озод этиш, шунингдек уларнинг фаолиятини баҳолаш ва мукофот тўловлари миқдори (иш ҳақи, бонуслар ва бошқалар) тўғрисидаги қарорлар фақат кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади;

иккинчидан, Ички назорат хизмати раҳбари банкнинг фойда олишга қаратилган бўлинмаларини бошқариш ва операцияларни амалга ошириш бўйича ваколатга ва молиявий мажбуриятларга эга бўла олмайди. Шунингдек лавозимларни қўшиб олиб боришга йўл қўйилмайди.

Банклар мустақил равишда мижозни лозим даражада текшириш чора-тадбирларини қабул қилиши шарт бўлган ҳолатлар учун асослар рўйхатига ўзгартиришлар киритилди:

барча жисмоний шахслар (илгари – фақат резидентлар) томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдорда чет эл валютасининг сотиб олинishi;

жисмоний шахслар томонидан БҲМнинг 50 бараварига тенг ёки ундан ортиқ суммадаги МБнинг қимматбаҳо металллардан ясалган ўлчовли ёмбларининг сотиб олинishi (илгари – фақат МБнинг қимматбаҳо тангалари, коллекцион ва нумизматик пул белгилари);

банк номидан тўлов агенти ёки тўлов субагенти томонидан БҲМнинг 50 бараварига тенг ёки ундан ортиқ миқдордаги нақд пул маблағларини банк карталарига, шу жумладан учинчи шахсларнинг банк карталарига ўтказиш учун қабул қилиниши (яъни шарт, тахр. изоҳи).

Барча ҳолатларда бир марталик операциялар, шу жумладан бир-бирига боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта операцияларни бажариш орқали амалга оширилмаган бир марталик операциялар назарда тутилган.

Бундан ташқари, банклар, пул ўтказмаси бўйича ҳам жўнатувчи ва ҳам қабул қилувчи томонларга хизмат кўрсатган тақдирда, куйидагиларга мажбурдирлар:

а) шубҳали операция тўғрисида ҳабар юбориш заруриятини аниқлаш мақсадида улардан олинган барча маълумотларни ҳисобга олиш;

б) шубҳали пул ўтказмаси билан боғлиқ бўлган ҳар қандай мамлакатда шубҳали операция тўғрисидаги ҳабарни ваколатли органларга юбориш ва пул ўтказмаси тўғрисидаги тегишли маълумотларни тақдим этиш.

Norma.uz

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Бўйича ВАҚТИНЧАЛИК ТАРТИБ БЕЛГИЛАНДИ

“Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ҳукумат қарори (2-сон, 08.01.2021 й.) қабул қилинди.

Қарор билан Хотин-қизлар муаммоларини “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартиб тасдиқланди.

Унга қўра, ҳар бир сектор кесимида маҳаллабай “Аёллар дафтари”га 30 ёшдан ошган куйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин қизлар;

боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар;

уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизлар;

нотузар жойларда истиқомат қилаётган, ўзининг ёки биргалликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жойи мавжуд бўлмаган хотин-қизлар;

Тасдиқланган рўйхатлар 3 кундан ошмаган муддатда Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига киритилиб, шу асосда вақтинчалик тартибда белгиланган хизматлар кўрсатилади.

Қарорга қўра, “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш ис-



қарамоғида бир ёки ундан ортиқ I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган болалари мавжуд ёлғиз аёллар;

тиббий ҳимояга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар (ўзи ва биргалликда яшовчи оила аъзолари оғир ижтимоий вазиятда бўлган, сурункали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган, ногиронлик гуруҳи белгиланмаган, етарли даромад манбаига эга бўлмаганлар);

хуқуқий ёрдам олишга муҳтож хотин-қизлар; психологик маслаҳатга муҳтож хотин-қизлар (тазйик ва ўравонликдан жабрланган, ижтимоий муаммолари мавжуд хотин-қизлар).

“Аёллар дафтари” куйидаги тартибда юритилади:

Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари ҳар ярим йил биринчи ойининг дастлабки 15 кунда уйма-уй юриб ўрганилади.

Хотин-қизларнинг муаммолари анкета-сўровнома орқали

аниқланиб, аниқланган муаммолар 3 кундан ошмаган муддатда хотин-қизларнинг шахсий индивидуал анкеталарига киритилади.

Шунга қўра, 1 кун муддатда индивидуал анкеталар кўриб чиқилади.

Шундан кейин 3 кундан ошмаган муддатда анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда аёлларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.

“Аёллар дафтари”га киритилмайдиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ҳамда уларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” лойиҳаси 7 кундан ошмаган муддатда Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашига киритилади.

Тасдиқланган рўйхатлар 3 кундан ошмаган муддатда Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига киритилиб, шу асосда вақтинчалик тартибда белгиланган хизматлар кўрсатилади.

Қарорга қўра, “Аёллар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш ис-

тагида бўлган хотин-қизларга БҲМнинг 150 бараварига (33 млн. 450 минг сўм) миқдорда кредитлар ажратилади.

Кредитларнинг фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида белгиланади.

Кредитлар 6 ойгача имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатда Халқ банкнинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг фамилия, исми, отасининг исми бўйича алфавит тартибда шакллантирилган қатъий навбат асосида ажратилади.

Шунингдек, Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга БҲМнинг икки бараваридан тўрт бараварига (446 миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

“Huquqiy axborot” телеграм канали

Тавсия этилаётган хавфсизлик чоралари максимал даражада банк карталаридаги жамғармалар сақлашишига хизмат қилади ва рухсатсиз ишлатилишининг олдини олади.



## МАРКАЗИЙ БАНҚДАН ХАВФСИЗЛИК ТАВСИЯЛАРИ

### Банкоматларда:

1 Банк картасидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга ошириш учун банкоматни танлашда сизга яқин жойда шубҳали шахсларнинг йўқлигига эътибор беришингиз керак. Агар бундай шахслар бўлса, сиз бу ёки бошқа банкоматдан фойдаланиш учун қулайроқ вақтни танлашингиз керак.

2 Учинчи шахсларнинг маслаҳатига қулоқ солманг ва банк картаси билан операцияларни амалга оширишда уларнинг ёрдамини қабул қилманг.

3 Банкоматни ишлатишдан олдин унинг ПИН-код териладиган жойида ва карталарни қабул қилиш учун мўлжалланган жойида (уяда) жойлашган дизайнга мос келмайдиган қўшимча қурилмалар (масалан, нотекис ўрнатилган ПИН-код териш клавиатураси) мавжудлигини кўздан кечириш керак. Агар қўшимча қурилмалар мавжуд бўлса, бундай банкоматдан фойдаланишдан воз кечинг ва банкоматда кўрсатилган телефон орқали банк ходимларига шубҳаларингиз ҳақида хабар беринг.

4 Банкоматга банк картасини киритиш учун жисмоний куч ишлатманг. Агар банк картаси киритилмаса, бундай банкоматдан фойдаланманг.

5 ПИН-кодни киритаётганда яқин атрофдаги одамлар уни кўрмаслиги учун клавиатурани қўлингиз билан ёпинг.

6 Банкоматдан нақд пул олгандан сўнг, банкноталарни бирма-бир сананг, банк картаси қайтишини кутинг ва квитанцияни олинг, уларни сумкага (ҳамёнга, чўнтакка) солинг ва шундан кейингина банкоматни тарк этинг.

7 Банкомат томонидан чоп этилган квитанцияларни уларда кўрсатилган суммаларни кейинчалик банк ҳисобварағи билан таққослаш учун сақлаб қўйинг.

8 Агар банкомат тўғри ишламаса (масалан, у узоқ вақт кутиш режимида бўлса, ўз-ўзидан қайта ўчиб ёқилса), сиз бундай банкоматдан фойдаланманг, клавиатурадаги "Отмена" тугмачасини босиб, амалдаги операцияни бекор қилинг ва банк картасининг қайтишини кутинг.

9 Агар банк картаси билан операциялар пайтида банкомат банк картасини қайтариб бермаса, банкоматда кўрсатилган телефон рақами орқали тегишли банкка мурожаат қилинг ва ҳолатни тушунтиринг.

Шунингдек, сиз банк картасини чиқарган банк билан боғланиб, банк ходимининг кўрсатмаларига амал қилишингиз керак.

### POS-терминалларда:

1 Банк картаси билан операцияларни фақат ўзингизнинг ҳузурингизда бўлишини талаб қилинг. Бу сизнинг банк картангизда кўрсатилган шахсий маълумотларингизни қонунга хилоф равишда ишлатилиш хавфини камайтиради.

2 Товарлар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш учун кассирнинг илтимосига биноан ПИН-кодни киритаётганда, яқин атрофдаги одамлар буни кўра олмаслигига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Бунда ПИН-код киритилишида POS-терминалнинг клавиатурасини қўлларингиз билан тўсишингиз керак.

3 POS-терминалга ПИН-кодни киритишдан олдин, кузатув камераси POS-терминалга йўналтирилмаганлигига эътибор беринг.

4 Агар операция муваффақиятли якунланган бўлса, терминал экранида (одобрено) хабар пайдо бўлади ва квитанциянинг биринчи нусхаси автоматик равишда (кассир учун) ва "ENTER" тугмачасини босгандан сўнг квитанциянинг иккинчи нусхаси (мижоз учун) чоп этилади.

5 Чекни олгандан сўнг, чекда кўрсатилган суммани текширишни унутманг.

6 Агар банк картаси орқали тўлашга уриниш пайтида "Отклонено" деган хабар пайдо бўлса, терминал томонидан чиқарилган квитанциянинг битта нусхасини банк баёнотида кўрсатилган операциянинг йўқлигини текшириш учун сақлашингиз керак.

7 Агар тўлов тизими контакtsiz интерфейсга эга карталарни қўллаб-қувватласа, хавфсизроқ тўлов усули сифатида контакtsiz тўлов усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

8 Товарларни сотиш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича ҳар бир пунктда ушбу тўлов тизимларининг карталари қабул қилиниши тўғрисида хабар берувчи стикерлар ўрнатилиши мумкин. Стикерлар кўринарли жойларга (кириш эшиклари, деразалар, устунлар ва бошқаларга) жойлаштирилиши мумкин.

9 Савдо ва хизматлар кўрсатадиган ташкилотларда банк карталаридан фойдаланганда ҳушёр бўлинг.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Матбуот хизмати

## ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН ҚУЛАЙДИР ҲАР ОН

### Электрон ҳамён нима?

Бугунги кунда электрон ҳамён интернетда онлайн харидларни амалга оширадиган ва у ерда фрилансер, яъни эркин ёлланган ходим (копирайтер, таржумон, дизайнер, дастурчи) сифатида фаолият юритадиганлар учун идеал тўлов воситаси ҳисобланади.

*Бундай ҳамён ёрдамида Сиз электрон пуллар билан турли хил ҳисоб-китобларни амалга оширишингиз мумкин. Бу электрон пулларнинг ҳақиқий пул маблағларига айланиши ва банк ҳисобварағига ёки банк картасига ўтказилиши осон ва оддий.*

Электрон ҳамён – электрон пулларни сақлайдиган ҳамда интернетдаги харидлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, ҳатто пулни банк ҳисобварағига ёки банк картасига ўтказиш ёки нақд пул олиш имконини берувчи компьютер дастуридир. Ўтказмалар бир зумда амалга оширилади, кўплаб электрон пуллар тизимлари ҳисоб-китоблар ва ўтказмаларни турли валюталарда амалга ошириш имконини беради.

	Афзаллиги:	Камчилиги:
WebMoney	ишончлилиқ	хавфсизлик созламаларининг мураккаб тизими
	турли валюталарда пул ўтказмалари	тизим ичидаги ўтказмалар бўйича фоизлар олинади (ўтказма суммасининг 0,8%)
	тижорат фаолиятини амалга ошириш имконини беради	идентификациянинг мураккаб тартиби
	кредитлаш имконияти мавжуд	
Яндекс	рўйхатдан ўтиш тартибининг оддийлиги	Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси билан ишламаслиги
	қўшимча тасдиқловsiz авторизация қилиш	тижорат фаолиятини юритиш таъқиқланган (юрдик шахсларга хизмат кўрсатилмайди)
	хизматлар, маҳсулотлар ва жарималар учун тўловларнинг кенглиги	хавфсизлик даражасининг пастлиги (почтани бузиб кириш хавфи юқорилиги)
QIWI	ҳисобварақни тўлдириш учун терминаллар тармоғининг кенглиги (20 дан ортиқ мамлакатларда 100 000 дан ортиқ)	электрон пулларни қоплашда воситачилик ҳақининг юқорилиги (2% дан ортиқ)
	пул маблағларни кириш қилиш ва хизматлар учун воситачилик ҳақларининг йўқлиги	нақд пул чиқариш имкониятларининг чекланганлиги (кунига бир марта)
	SMS орқали тўловларни амалга ошириш имконияти	кредитлаш имкониятининг мавжуд эмаслиги

### Банк картаси бўлса, электрон ҳамён нима учун керак?

Электрон ҳамён ишлаш тамойили банк картасига ўхшайди. Уни осонлик билан тўлдириш мумкин ва дунёнинг исталган жойида у орқали тўловларни амалга ошириш мумкин. Тўловлар бўйича чекловлар деярли йўқ. **Шунда савол туғилади: агар банк картаси мавжуд бўлса, электрон ҳамён нима учун керак?**

– Электрон ҳамёнда пулни турли валюталарда сақлашингиз мумкин. Масалан, дунёнинг турли мамлакатларида тўловларни амалга ошириш эҳтиёжи вужудга келса, электрон ҳамён жуда қулай ҳисобланади.

– Саёҳат қилганда жуда қулай, чунки ҳамма нарса смартфонга боғланган бўлади ва NFC (контактсиз алоқа) ёрдамида тўловни амалга ошириш мумкин. Бу тўлов жараёнини анча осонлаштиради. Бундан ташқари, ҳар қандай банк картасидан (сўм) мобил илова орқали электрон ҳамёни тўлдириш мумкин;

– Электрон ҳамён орқали халқаро тўлов тизимда пул ўтказмалари тез ва қулай тарзда амалга оширилади. Мисол учун Сиз тез ва осон усулда хорижий мамлакатдаги бошқа шахснинг ҳисобварағига қулай валютада пул ўтказишингиз мумкин.

Дунё ҳамжамиятида банк-молия соҳасининг барқарор ривожланиши ва унда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш масалаларига жиддий эътибор қаратилади. Шу жумладан, дидеримизда ҳам банк тизими Республика-миз иқтисодийнинг энг тез ривожланаётган сегментларидан биридир.



## ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ШАФФОФЛИК ТАЪМИНЛАНГАНМИ?

Маълумки, ҳозирги кунда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофлик муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, банк-молия тизими ҳам бундан мустасно эмас. Бунинг исботи ўлароқ бугунги кунда ижтимоий тармоқларда тез ва кенг тарқаладиган маълумотлар кўла-мига назар ташлаш кифоя. Айни кунда замон талабларига мувофиқ ижтимоий тармоқнинг кўплаб веб-сайтлари ҳамда платформа-ларда банк-молия тизимида оид расмий ва норасмий канал ва гуруҳлар фаолият олиб бормоқда. Улардан бири телеграм платформасида самарали иш олиб бораётган "Банкир кундалиги" каналидир. Ушбу канал 2019 йил 7 март куни ташкил этилган бўлиб, илк маълумот 10 март куни каналга юкланган. 18 кунлик танаффусдан сўнг каналда яна фаоллик кузатилади. Каналда асосан банкирлар фаолиятига оид маълумотлар, ишда учрайдиган баъзи қийинчиликлар би-роз юнўя ва сатира кўринишида, аччиқ сўзлар тилга олинади. Каналга шу кунгача 604 та фото, 149 та видео, 12 та аудиофайл, 1543 ҳавола (ссылка), 4 та овозли хабар юкланган, 42 542 нафар обуначига эга. Канал илк очилган даврдан кўра расмийроқ тус олган, банк тизимини ёритаётган фаол каналлар сирасига қиради.

Бу каналнинг оммалашиб кетишига сабаблардан бири – ўз мухлислари билан шаффоф муносабат ўрнатганидир. Мисол учун айтилик, кредит олиш масаласидаги қийинчилик билан бу канал маълумларига мурожаат қилган мухлис шу куннинг ўзида мақсадига етаяпти. Агар кредит олишда мухлисининг ўзи томонидан камчиликка йўл қўйилган бўлса, маълумлар тартиб-таомиллар ва ҳуқуқий тушунириш беришар экан. Аксинча кредитни банк томон пайсалга солиши ёки бошқа ҳолатлар учра-са канал маълумлари банк билан боғланиб, нега бундай бўлаётганини очиқламоқда. Мабодо бу масалада банк томон айбдор бўлиб чиқ-са, канал маълумлари шу банкни аямай фош қилади. Мана шу омил-лар @bankir\_kundaligi телеграм гуруҳини тез вақт ичиде аудиторияси кенгайиб, обуначилари сони ошиб кетишига замин бўлган.

Мазкур канал маълумлари на-

фақат мижозларнинг муаммолари-ни, балки банкирларнинг, банк ходимларининг ўзини қийнаб келаётган масалани ўрганиб таҳлил қилиш билан ҳам эътиборга тушди. Дейлик муайян бир банк ўз ходими-ни ишдан бўш пайтда ҳам вақтида олинмаган кредитни йиғиб келиш учун мижозларнинг уйига юборса, @bankir\_kundaligi ўша банк раҳ-барларига ходимларнинг иш соати-ни эслатиб қўйиш билан адолат тикламоқда. Аслида бу ишларни барча корхоналарда касба уюш-маси кўмитаси бажаради. Бироқ мамлакатимиздаги айрим корхона-ларнинг касба уюшмалари нега-дир раҳбарият манфаатини кўзла-ши учраб турадиган ҳолат.

"Банкир кундалиги" ка-нали шу каби муаммолар-ни ва банкларнинг янги хизмат турларини, фоиз ставкаларини, илгор ва шаффоф банкларни эъ-тироф этиб, эълон қилиб бориши билан эътиборга тушиб бораётир.

Шунингдек, бўш иш ўринлари ҳақида маълум-от берувчи @ishbank канали ҳамда банк соҳа-сига оид мулоқотлар учун ташкиллаштирил-ган @bankir\_kundaligi гуруҳи мазкур каналга бириктирилган ҳолда фаолият олиб боради. Ҳамкорлик масалалари бўйича @meenov akka-унтига, аноним ёки очиқ мурожаат юбориш учун @bankirtelegram bot хиз-мати мурожаат қилиш мумкин.

Банк-молия тизимида жамоат-чилик назорати ва шаффофлики таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган "Банкир кундалиги" ка-нали аъзоларига келгуси фаолият-ларида омад тилаб қоламиз.

Кейинги гал Сизнинг ҳукмингизга айна соҳада фаолият юритадиган бошқа веб-сайт ва телеграм канал-лари ҳақидаги қизиқ маълумотлар-ни ҳавола этишга ҳаракат қиламиз.

Шаҳодатбону ИМОННАЗАРОВА,  
журналист.

## ДХХ коррупция ва фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатларга чек қўйди

Республика-миз вилоятларидан биридаги "Худудий электр тар-моқлари" АЖ раҳбари мансаб ваколатини суистеъмол қилиб, ўз қўл остидаги ходими билан келишган ҳолда, янги қурилаётган автомобилларга сиқилган газ қуйиш шохобчасини электр тармоғи-га уланишига рухсат бериш учун 15 минг АҚШ доллари миқдориде пора талаб қилади.

ДХХ ва Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг вилоят бошқармалари ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда мазкур мансабдор шахс хиз-мат хонасида сўралган пулни ўз ходими орқали олган вақтида ушланди.

Республика-мизда фаолият юри-таётган хусусий акциядорлик тижорат банкларидан бирининг бошқарув раиси Тошкент шаҳридаги тадбиркорлардан бирига 4 млрд. сўм миқдориде кредит ажратиб бериш учун пора сифатида 15 минг АҚШ доллари талаб қилади.

ДХХ ва Департамент ходимлари то-монидан ўтказилган тезкор тадбирда мазкур банк раҳбари сўралган пулдан 103 млн. сўмни ўз танишига тегишли МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиш орқали қўлга киритганлиги аниқланди.

Самарқанд вилояти туманларидан биридаги марказий деҳқон бозори раҳ-бари ва унинг укаси маҳаллий фуқа-рога тикувчилик цехи ва дўкон қуриши учун ер ажратиб беришни ваъда қилиб, эвазига 10 минг АҚШ доллари талаб қи-лишди.

ДХХ ва Департамент ходимлари то-монидан ўтказилган тезкор тадбирда ака-ука "уддабурунлар" дастлаб дўкон қурилишига рухсатнома чиқартириб бе-

риш эвазига 5 минг АҚШ доллари олган вақтларида ашёвий далиллар билан ушланди.

ДХХ Қашқадарё вилояти бошқар-маси ва Департаментнинг худудий бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда, Қарши шаҳридаги жазони ижро этиш муасса-сасида жазо ўтаётган маҳкумга фойда-ланиши учун уяли телефон киритиб бе-риш ҳамда келгусида бошқа буюмлар ҳам олиб кириб бериш эвазига маҳкум-нинг танишидан 5 минг АҚШ доллари олган вақтида мазкур муассасида хиз-мат ўтовчи ИИВнинг Қоровул қўшинла-ри назоратчиси қўлга олинди.

Бухоро вилоятидаги туман хокимлик-ларидан биридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби маҳаллий фуқарога туман мар-казидан савдо дўкони қуриши учун 4 сотих ер майдони ажратилишига ёр-дам беришни ваъда қилиб, эвазига 4 минг АҚШ доллари сўрайди ва шундан 2 минг АҚШ долларини олдидан тўлов сифатида олган вақтида ДХХ ва Депар-тамент ходимлари томонидан ушланди.

Ҳозирда аниқланган барча ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

## Олтиариқда банк бош ҳисобчиси кредит пулларини талон-торож қилиб юборди

(Бошланиши 1-саҳифада)

Отабек 2016 йилда банкнинг мижо-зи ҳисобланган "Қосимжон Азимбоев" номли боғдорчилик фермер хўжалиги раҳбарини узумчиликни ривожланти-риш учун 100 миллион сўм миқдориде имтиёзли кредит маблағлари олишни режалаштирилганлигини хабар топа-ди. Фермернинг ишончига кириб, унга 300 миллион сўм миқдориде имтиёзли кредит олиш таклифини бериб, ушбу кредит маблағларини олиш учун зарур бўладиган хужжатлар ва гаров таъми-нотини шахсан ўзи расмийлаштиришда ёрдам беради. Бунинг эвазига кредит маблағларининг 200 миллион сўмлик қисмини ўзи олишини, фоизи ва танини белгиланган график асосида тўлаб бо-ришини айтган.



Узумчиликни ривожлантириш учун 7 йил муддатта йиллик 9 фоиз устама тўлаш шарти билан 300 миллион сўм-лик узоқ муддатли кредит ажратилиши-

га эришган. Бу пуллари нақдлаштириб, 100 миллион сўмини нақд пул шаклида фермер хўжалиги раҳбарига берган. Қолган қисмини ўз манфаатлари йў-лида сарфлаб, кредит маблағларини фоизи ва танини ўз вақтида қайтариш чорасини кўрмадан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

